

Амир Темур буюк бобокалонимиз

Бугун Ангор туманидаги 16-сонли мактабгача таълим ташкилотида “Амир Темур буюк бобокалонимиз” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Соҳибқирон бобомизнинг 685 йиллигига бағишланган кечада жажжи болажонлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Тадбир давомида тарбияланувчилар томонидан моҳир саркарда ва сиёсатчи, ислоҳотчи, илм-фан ва маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ҳақидаги шеърлар ижро этилди. Шунингдек, буюк саркарда ҳаёти акс этган сахна кўринишлари намойиш этилди.



a







